


Давра суҳбати ҳар икки мамлакат касабани уюшмалари учун ҳам гоятда фойдали бўлди. Чунки, ҳар бир соҳадаги ҳамкорлик алоқалари икки томонлама бўлсагина самара беради. Уйлаймики, бугунги тажриба алмашув меҳнат-кашларнинг иқтисодий-иқтисодий манфаатлари, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги фаолиятимизни бундан-да такомиллаштириш учун хизмат қилади.



Юмушларга кўмилган аксарият аёллар унча-мунча дардни писанд қилмай, ўтиб кетади дея юраверишади. Бу эса дарднинг зўрайишига олиб келади. Саломатлик ҳақидаги тренингларга барча аёлларни жалб этиш, бу борадаги қарашларни ўзгартириш асосий вазифага айланганлиги ҳам шундан.



Тўлашбой Дониёров университетнинг биринчи босқичида ўқиб юрган чоғларидаёқ қанчадан-қанча мусобақаларда иштирок этиб темир мушт соҳиби сифатида танилган эди. Унинг ўқиш даврида бирон мусобақада енгилб қайтганини эшитмаганмиз.



Орадан ойлар, йиллар, балки асрлар ўтар, лекин мустақил Ўзбекистонимизни ҳар томонлама обод қилиш, унинг шон-шухратини дунёга тараннум этиш мақсадида амалга оширган, тарихимизда ёрқин саҳифа бўлиб қоладиган улугвор ишларимизни, ҳеч шубҳасиз, келажак авлодлар миннатдорлик билан эсга олажак. Ислоҳ КАРИМОВ


2008-йил 5-avgust № 93 (2506) seshanba

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Ўзбекистон касабани уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ 2008 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯҚУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг Президент Ислоҳ Каримов томонидан белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг муҳим устувор йўналишларини, иқтисодийнинг стратегик тармоқларини ривожлантириш, техник ва технология янгилашга доир мақсадли комплекс дастурларини бажариш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш кўрсаткичларининг барқарор ўсиши мустаҳкамланди.

I. Макроиктисодий барқарорлик, иқтисодийнинг изчил ва мувозанатли ўсиш суръатларини таъминлаш

2008 йилнинг иккинчи чорагида шу йилнинг биринчи чорагига нисбатан иқтисодийнинг ўсиш суръатлари жадаллашди ва бу биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулотнинг ўтган йилнинг шу даврига қараганда 9,3 фоизга кўпайишини таъминлади. Ҳақиқатан ҳам инвестициялар миқдорини 19,8 фоизга оширишни таъминлаган фаол инвестиция сиёсати ва қўлай инвестиция муҳити иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларига эришишда муҳим омили бўлди. Етакчи саноат тармоқларини техник ва технология модернизация қилишга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар саноат ишлаб чиқаришини ривожлантиришнинг юқори суръатини сақлашга ёрдам берди ва бу кўрсаткич 12,2 фоизни ташкил этди. Фаол ташқи савдо сиёсати экспорт ҳажмини 48,2 фоизга кўпайтириш имконини берди.

(148,0 фоиз), хизматлар (125,8 фоиз) ҳисобидан эришилди.

II. Таркибий ўзгаришларни давом эттириш, иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш

Биринчи ярим йилликда Инвестиция дастурини амалга ошириш таркибий ислохотларни янада чуқурлаштиришга ёрдам берди ва мамлакатимиз ҳамда хорижий сармоядорлар учун қўлай шарт-шароит яратишга қаратилди. Барча молия манбалари бўйича ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 3713,1 миллиард сўмни ёки 2007 йилнинг биринчи ярмидаги қараганда 119,8 фоизни ташкил қилди. Инвестициялар умумий ҳажмининг ошиши асосида тўғридан-тўғри инвестициялар ва кредитлар миқдори 31,2 фоизга ўсди. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 88,4 миллион доллар ёки 2007 йилнинг шу давридаги нисбатан 4,9 марта кўп маблағ ажратилди. Капитал қўйилмалар умумий миқдорининг қарийб 70 фоиз ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Жорий йилнинг ҳисобот даврида 185 йирк ва кичик ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди. Жумладан, озиқ-овқат саноатида макарон, нон ва нон маҳсулотлари, қандаolat ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича (75), енгил ва тўқимачилик тармоғида калава, тўқимачилик, чарм ва гилам маҳсулотлари, пойабзал ишлаб чиқариш, шойи ва толани қайта

Биз сизга ишонамиз!

Одатда сафар олдида азиз жойлар зиёрат қилиниб, ёши улуг отахону онахонлардан дуо олинади. Худди шундай ҳолат Хитой юрти, унинг пойтахти Пекин шаҳри сари сафарга отланаётган олимпиячиларимизда ҳам кузатилди. Тонгда, бобо кўёш заррин нурларини олам аро сочишни бошлаётган бир паллада спортчиларимиз ва уларнинг мураббийлари мамлакатимизнинг бош майдоғи — Мустақиллик майдонида ҳозир бўлишди. Ҳар бир ўзбекистонликнинг юрагини фахр ва ғурур, ифтихор, Ватанга муҳаббат туйғуларига лиммо-лим тўлдирадиган маҳобатли майдон Ватаннинг асл ўғли ва қизлари билан янада мафтункор кўриниш олди. Бир хил кийинган спортчиларимиз орасида жаҳон ва Олимпиада чемпионлари, совриндорлари, Осиё ўйинлари қўлиблари талайгина. Делегация аъзолари, спортчи ва мураббийлар меҳр-шафқат, бахтиёрлик ва эзгулик тимсоли бўлган «Мустақиллик ва эзгулик» монументи пойига гулчамбарлар қўйишди. Ҳар бир спортчи ва мураббий томонидан Онага, Она Ватанга ҳурмат-эътибор изҳор этилди.



Муҳаммад АМИН (Ўза) олган сурат

Маъмур Рўзиев, эркин кураш бўйича терма жамоа устози:

— Кучли спарринг-ракиблар билан машғулот ўтказиш спортчининг рақиб имкониятини чамалаш, гиламда муносиб қаршилик кўрсатиш учун ёрдам беради. Шу боис, эркин кураш-ўқув-машғулот йиғинларини асосан хорижда ўтказишди. Владикавказ, Алушта шаҳарлари ва Доғистонда тайёргарликни маромига етказишди. Биргина Дилшоод Мансуров йил бошидан катта қўламли даволаш муолажаларини олганлиги учун юртимизда тайёргарлик кўрди.

— Дарҳақиқат, иккита йўланма учун Иван Ефремов (105 кг), Руслан Алпанов (62 кг), Баҳром Мендибоев (69 кг), Мансур Чашимов (85 кг) ва Шерзоджон Юсуповнинг бориши аниқ бўлибди. Спортчилар қандай мезонларга кўра аниқлаб олинди? **Шахрулло Махмудов, Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси бош қотиби:**

— Спортчиларимиз энг кучли жамоаларимиздан ҳисобланади. Мухлислар сизлардан маддалар шодасини кутишмоқда... — Спортчиларимизнинг ҳам иштиёқи баян. Бизга яратилган шароитларга жавобан ишончи оқлаш-

лари бўлиб, барчаси Олимпиадада қатнашиш учун муносиб спортчилардир. Аммо бизга иккита йўланма насиб этгани учун вазн тоифалари бўйича халқаро мусобақаларда қайд этилган натижалар ва спортчиларимизнинг кўрсаткичларини солиштириб чиқдик. Масалан, 2004 йилги Афина Олимпиадасида 85 кг вазн тоифасида 1-ўринни олган спортчи силтаб ва даст кўтариш бўйича умумий 382 кг тош кўтарган. Бизнинг бу вазндаги полвонимиз эса айни пайтда 390 кг кўтармади. Демак, Мансурбек Пекинда ушбу натижасини яна бир бор қайд этса, кучли учликка киришни таҳмин қилиш мумкин.

Шунингдек, Шерзод Юсупов ўз вазида даст кўтаришда 160 кг ва силтаб кўтариш бўйича 200 кг натижа қайд этган. Бу халқаро мусобақаларда камида кучли бешликка кириш

имконини беради. Алпановнинг натижаси кучли олтилик, Мендибоевники саккизлик ҳамда Ефремовнинг кўрсаткичи ундан ҳам қуйроқ ўринга тушяпти. Мустақиллик майдонидаги маросимдан сўнг пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шухрат музейи»да спортчи ва мураббийларни «Пекин-2008» Олимпиадасига тантанали кузатишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазири Р.Қурбонов олиб борди. Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери Д.Тошмухаммедова, Бош вазир Ш.Мирзиёев, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ва бошқалар спортчиларимизнинг Пекин Олимпиадасида муно-

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари (2007 йил биринчи ярим йиллигига нисбатан фоиз ҳисобида)

| Кўрсаткичлар | 2008 йилнинг 1-ярми |
|------------------------------------|---------------------|
| Ялпи ички маҳсулот | 109,3 |
| Саноат маҳсулотлари ҳажми | 112,2 |
| Истеъмол товарларини ишлаб чиқариш | 116,6 |
| Ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари | 105,4 |
| Асосий капиталдаги инвестициялар | 119,8 |
| Қурилиш ишлари | 109,1 |
| Чакана савдо айланмаси | 114,4 |
| Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш | 118,9 |

Ялпи ички маҳсулотнинг юқори ўсиш суръатларига макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан эришилди. Бунда қуйидагилар асосий омил бўлди: **1. Давлат бюджетининг мувозанатли бўлиши.** Давлат бюджети даромадлари жорий йил биринчи ярим йиллигининг прогноз кўрсаткичларига нисбатан 101,1 фоизни ташкил этди, профицит эса ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоиз бўлди. Бизнесга солиқ юқини камайитиришга доир қўрилган чора-тадбирлар хусусий сектор қорхоналарида ишлаб чиқаришни фаоллаштиришга ёрдам берди. Бунинг натижасида даромад солиғи бўйича тушумлар ўтган йилнинг шу даврига қараганда 42,6 фоиз, микрофирмалар ва кичик қорхоналар учун ягона солиқ тўлови эса 36 фоизга ўсди. **2. Пул бозоридаги мувозанат ва миллий валютанинг барқарорлиги.** Инфляцияга қарши юритилган фаол сиёсат ва истеъмол бозорининг зарур товар ҳамда хизматлар билан тўлдирилиши натижасида инфляция жарёнлари секинлашди. Пул массаси ва сўм айрибوشлаш курсининг ўзгариши белгиланган параметрлардан осмади. Аҳолининг банклардаги депозитлари 19,3 фоизга кўпайди. **3. Мамлакат тўлов балансининг барқарорлиги ва ташқи савдонинг юқори ижобий салдоси.** Бунга экспортнинг юқори суръатда ўсиши, жумладан, энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари (1,6 марта), машиналар ва ускуналар (116,2 фоиз), кимё маҳсулотлари

ишлаб бўйича (28), қурилиш материаллари саноатида девор қуриш учун мўлжалланган материаллар, пластик ромлар, эшиклар, шифер, рубероид ва бошқа қурилиш маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича (46) объект ишга туширилди. 2008 йилнинг биринчи ярмида 3,5 миллиард куб метр газ ишлаб чиқариш қувватига эга «Помик» компрессор станцияси, «Нексия-2» енгил автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, «Жиззах платмасса» очик акциядорлик жамиятида диаметри 315-630 миллиметр бўлган полиэтилен қувурлар ишлаб чиқариш, «Қувасой қурилиш» масъулияти чекланган жамиятда шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, «Тагус текстил», «Пойтүгекс», «Сиркежи Ташкент текстил» қўшма қорхоналари ва бошқа инвестиция лойиҳалари ниҳоясига етказилди. Жорий йил бошидан буён 51 та дотация объект ишга туширилди ва бу 2100 нафардан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Иқтисодийнинг етакчи тармоқларини модернизация қилиш ва янгилаш дастурларини амалга ошириш давомида ускуналар етказиб бериш ва қурилиш ишларини амалга ошириш учун 341,2 миллион доллар ажратилди. Бу борада 29 инвестиция лойиҳалари, жумладан, автомобиль саноатида 9, енгил ва тўқимачилик соҳасида 7, фармацевтика саноатида 5, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 5, кимё саноатида 2 ва металлургия саноатида бита лойиҳа ниҳоясига етказилди. (Давоми 2-бетда).



Мозийга бир назар

Андижон жуда қадим ва бой тарихга эга. Фарғона vodiysida шаҳар шаклидаги қалъали қишлоқлар сони эраимиздан аввалги III — II асрлар ва янги эранинг III — IV асрлари ўртасида жуда кўп эди. Қадимий хитой манбаларида ёзилган, Фарғона vodiysida етқимачилик саноатида 5, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш соҳасида 5, кимё саноатида 2 ва металлургия саноатида бита лойиҳа ниҳоясига етказилди.


Марказий Фарғона ерларининг қок ўртасидан ўтайдиган Андижон йўллари билан борар экансиз, ниҳоятда қушқаво ва гўзал манзаралар билан баҳри дилингиз очилади. Қулиб турадиган, мутойибага мойил инсонлар билан тезда яқин бўлиб қоласиз.

Янгилikka интилувчан андижонликлар

Тарихчи С.Жалилов шундай ёзади: «Барча археологик текшириш хулосалари, мавжуд ёзма манбалардаги хабарларни таққослаш ва шаҳар атрофи районлари ирригацияси тарихини ўрганиш Андижон милоддан аввалги II — I асрларда пайдо бўлган дейишга асос бўлади» («Андижон» тўплами, 1989). Бу даврда Фарғона vodiysida Довон давлати мавжуд бўлган. Унинг пойтахти эса Эрши шаҳри (Мингтепа) эди. Милодий 4-асрдан бошлаб Ўрта Осиёнинг деҳқончилик ва чорвачилик учун қўлай бўлган vodiysida туркий халқлар аста-секин кўчиб кела бошлаган. Шаҳар vodiysida Кенд (Конибодом), Қубо

(Қува), Ўш, Ўзган, Ахсиқент ва бошқа шаҳарлар каби ривожланди. Андижон номи тарихий манбаларда Андижон, Андигон шаклида ҳам учрайди. Академик Яхё Ғуломовнинг илмий таҳлилига кўра, бу ном бирон қадимий жой ёки маълум касбадаги кишилар ғуруҳининг номидан олинган бўлиши ҳам мумкин. Буюқ тарихчи Абдуразоқ Самарқандий машҳур асари «Матлаб сўдай» ва «Мажмаул-бахрайн»да аввал Андижон деб, Умаршайхга бағишланган саҳифаларида эса Андижон деб ёзади. Давр ўтиши билан шаҳар обод ва кўркам гўшага айланади. «Бобурнома»даги таърифта кўра, Андижон девор билан ўралган, урта

дарвозаси бўлган. «Ошлиғи вофир, меваси фаровон, қовун ва узуми яқин бўлур. Қовун соҳалида полиз бошида қовун четлик расм эмас. Андижоннинг ношпотиқидан яхшироқ ношпоти бўлма... ови, қуши доғи бўлур, қирғовул беҳад семиз бўлур», — деб ёзади Бобур. Чингизхон рус босқинларини бошидан ўтказган бу юртда буюқ аждодларимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Абдулҳамид Чўлпон, Зокиржон Хабибий, Оразий, Улфат сингари мутафаккирлар камол то்பган. Вилоятдаги 500 дан ортиқ мейморчилик, ҳайкалтарошлик ва бошқа обидлар давлат муҳофазасига олинган. (Давоми 3-бетда).



Mustaqillik yillarida 17 yilligi ulduz



Янгиликка интилувчан андижонликлар

(Боши 1-бетда). Мучалтўйи

Асакадаги автомобил заводи ишга тушганига яқинда 12 йил бўлди. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган автомобилларга Украина, Беларус, Россия, Озарбайжон ва кўшни давлатларда эҳтиёж кундан-кун ортиб бормоқда. За-водда ўтган йили 171.809 та эн-гил автомобил ишлаб чиқарил-ган бўлса, 2008 йилнинг бирин-чи ярмида бу кўрсаткич 90.168 тани ташкил этди. Ўтган йили иш-ловчилар сони 5436 нафар, шун-дан аёллар 279 нафарни ташкил этган. 2008 йилнинг биринчи яр-мида 54.378 та машина экспорт-га, 35.316 донаси ички бозорга чиқарилган. Ишчилар сони эса 5701 нафарга кўпайган.

Ко» қўшма корхоналарида 550 дан зиёд иш ўрни яратилиб, бамперлардан тортиб, автозавод ва автомобил салониининг ички қопловчи қис-мларигача шу ерда тайёрланмоқ-да. Автомобилсозлик соҳасида кат-та таърибга эга бўлган давлат-лар билан ҳар томонлама ҳамкор-лик қилинаётганлиги туфайли му-ваффақиятлар йилдан-йилга ор-тиб бормоқда.

Саноатда етакчи


Иқтисодий ривожлантириш-нинг комплекс дастури амалга оширилиши натижасида 2008 йил-нинг биринчи ярмида ижобий на-тижаларга эришилди. Жумладан, турини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида-даги қарори асосида ви-лоятдаги 144 та мактабда қурилиш-таъмирлаш иш-лари амалга оширилмоқ-да. Бунинг учун мактаб таълими жағғармаси ҳисобидан 22,1 млрд. сўм ажратилган. Мактабларни жиҳозлаш борасида ҳам бир қатор ишлар қилин-ган.

нинг ярмигача 5,2 млн. долларлик товар ва хизматлар экспорт қилин-ди. Режа бўйича яна 7 та қўшма корхона ва МЧЖлар ишга тушири-лади. Юқоридаги лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига 3500 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Таълим - ислохотлар асоси

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 9 июлдаги «2004 — 2009-йил-ларда мактаб таълимини ривож-лантириш давлат умуммиллий дас-

фермер хўжалиги раҳ-бари Муталлиб Маъми-ралиев. — 7,5 гектар пахтазор, 6,8 гектар боғ парвариши ҳам кўнгли-дагидек бормоқда. Эрта баҳорда Германия-дан келтирилган 36 та «Класс» маркали комбайн-лар ўрим-йиғим давомида таъмирсиз ишлади. Шун-га қарамай кўча устахо-налар отрядлар билан бир-га юрди. Дарвоқе, отряд усулида ҳосил йиғиш ан-дихонликлар учун оддий



центрдан бажаришга муваффақ бўлдим. Совгани шунинг учун ол-ганман.

Фермер опанинг ишларига ри-вож талаб йўлда давом этаркан-миз, бирлашган ўзар деб бекор-га айтишмаганига яна бир бор амин бўлдик. Вилоятда бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин...

Саломатлик - туман бойлик

Вилоят соғлиқни сақлаш тизи-мида 49 та шифохона, 3 та мар-каз, 341 та врачлик пункти, 20 та фелдшерлик-акушерлик пункти, 6 та стоматология поликлинаси, 3 та санатория мавжуд. 4 та мар-казий шаҳар шифохоналари, 14 та туман тиббиёт бирлашмалари ва 14 та кўп тармоқли марказий по-ликлиникалар ташкил этилган.

Чемпионлар юрти

Вилоят маданият ва спорт иш-лари бoshқармаси тизимида 3 та те-атр, 2 та музей, 27 та мусика мак-таби, 5 та маданият ва истироҳат боғи, 148 та клуб, 29 та уйингоҳ, 577 та спорт зали, 42 та сувиш ҳав-заси, 3464 та спорт майдони, 56 та болалар ва ўсмирлар спорт макта-би фаолият қўрғатмоқда. Истиқлол йилларида вилоят спортчилари эришган ютуқлар салмоқли бўлди. Айниқса спортнинг бокс, энгил ат-летика, сузиш, муай-тай, теннис, футбол турлари кенг ривож топди. Вилоят спортчилари республика ва халқаро миқёсдаги 137 та мусоба-қада иштирок этиб, 202 та олтин, 163 та кумуш, 272 та бронза меда-лини қўлга киритди.

Республикамизда «Андижон бокс мактаби» деган ибора пайдо бўлди. Чиндан ҳам андижонликлар бу номга лойиқ. Олимпиада чем-пиони, машҳур боксчи Мухаммад-қодир Абдуллаев, муай-тай бўйича Осиё ва жаҳон чемпиони Мав-лонбек Қаҳҳоров, сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони Мафтуна Тўхтасиновалар билан андижон-ликлар ҳақли равишда фахр-ландилар.

Эришилган ютуқлар замирида мамлакатимизда спортга берила-ётган эътибор турганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Биргина мисол, 1991 йили вилоятда 7 та теннис корти мавжуд эди. Бугун уларнинг сони 60 га етди. 2003 йилги «Барқамол авлод» спорт уйинлари арасида қурилган Ан-дихон олимпия заҳиралари спорт коллежи ҳақиқий маънода чемпи-онлар масканига айланди. Бу ерда тахсил олаётган ўшларга барча им-кониятлар муҳайё этилган.

Корхонада ишчиларга алоҳи-да ғамхўрлик кўрсатилади. 2007 йили 170 дан зиёд ходим соҳат-гоҳ ва дам олиш уйларида бўлиб қайтган бўлса, шу йилнинг июн ойигача бу кўрсаткич 200 дан ошди.

— Корхона ишчи-хизматчилари меҳнат таътилига чиқишида уларга корхона ҳисобидан 48.872.400 сўм моддий ёрдам ажратилди. Йилнинг иккинчи ярмида бундан-да кўпроқ маб-лаг ажратилди режалаштирилган, — дейди корхона касаба уюш-маси раиси М.Олимов. — Бун-дан ташқари, 2008 йилда хо-димларнинг 600 нафар фарзан-дини дам олдириб режалаш-тирилган. Корхонанинг энг фаол 50 нафар ходими Самар-қанд ва Тошкент шаҳарларига саёхат қилиб келишди.



ҳолга айланиб қолган.

2006 йилги ҳосил 56 кунда йи-ғилган бўлса, 2007 йили отряд усу-ли туфайли 26 кун ичида бугдой ҳосили саранжомланди.

Вилоятда уруғчиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда бугдойнинг «Андижон-1», «Андижон-2» ва «Чиллаки» навля-ри синондан муваффақиятли ўтди. Ҳисоб-китобларга қараганда, ғаллачиликнинг ўзидан 103 млрд. 421 млн. сўмдан зиёд даромад олиш кутилмоқда. Рентабеллик да-ражаси ўтган йилга нисбатан 1,2 фоиз ортиб, 33,4 фоизни ташкил этади.

Асака туманида бўлганимизда бизга «Мингүрик-Азиза» фермер хўжалиги раисининг «Нексия» ав-томобили билан муқофотланган-ини айтишди. Дарҳол у киши билан учрашдик.

— 20 гектар ер ва битта пахта-ни қайта ишлаш цехим бор, — дейди Хайринисо Азизова. — Шундан 6 гектарига ғалла, 14 гек-тарига пахта экилган. Ўтган йили туман ҳокими пахта ҳосилини 38 центнердан оширган биринчи фермерга «Нексия» совға қилиши-ни айтганди. Отряд усули ёрда-мида 3 кунда пахта режасини 40



Яқин келажақда корхонада йи-лига 200.000 та автомобил иш-лаб чиқариш режалаштирилган. Қувонарлиси шундаки, автомо-билларнинг бутловчи қисмлари ҳам ўзимизда ишлаб чиқарилмоқ-да. «Ўз Тонг Хонг Ко», «Ўз Каран

вилоятда ялпи ҳудудий мах-сулот ҳажми (904 млрд. сўм) ўтган йилнинг шу дав-рига нисбатан 10,5 фоизга ор-тиди. Саноат махсулотла-ри ишлаб чиқариш ҳажми 1 трлн. 303 млрд. сўмни таш-кил этди.

Шунингдек, халқ истеъмо-ли моллари ишлаб чиқариш ҳажми (943 млрд. сўм) 15 фо-изга ўсди. Жами 408 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжа-лиги махсулоти ишлаб чиқар-илди. Ўзлаштирилган капи-тал қўйилмалар 147 млрд., чакана савдо миқдори 427 млрд. сўмни ташкил этди.

Вилоятнинг ташқи савдо айланмаси 901 млн., шун-дан экспорт ҳажми 445 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

Бандлик дастурига асо-сан январ-июн ойларида 29.542 та янги иш ўрни яра-тилди.

Инвестицион лойиҳалар бўйича 2008 йилда 22 млн. долларлик сармоя жалб этилиб, 1669 та янги иш ўрни яратилди. Январ-июн ойларида жами 8,9 млн. долларлик инвестиция ва кредитлар жалб қилинди.

Маҳаллий ҳокимликка бўйсунув-чи корхоналар томонидан шу йил-

Қишлоқ хўжалигида отряд усули

Бу йил Андижоннинг янглик-ка интилувчан ғаллакорлари дав-латга 263 минг 830 тонна дон топ-шириб, шартномани қисқа вақтда бажарди. Вилоят бўйича ҳар гек-тар ердан 60,2 центнердан ҳосил олинди.

Ўтган йили бироз ортда қолган Бўз, Улуғнор туманлари бу йил ютуққа салмоқли ҳисса қўшди. Бунда фермерларнинг меҳнатини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Ютуқларимиздан ғурурланиб пахтачилик, чорвачилик, боғдор-чилик соҳасида ҳам яхши натижа-ларга эришиш ниятдамыз, — дейди Бўз туманидаги «Лочин»

Ўзгача байрам



Андижонга кириб бораётган Олтинкўл тумани истироҳат боғи олдига гуруҳ-гуруҳ одамларни кўрдик. Хаёлимиздан машҳур хонандалар кон-церт бераётганимиз деган фикр ўтди. Аммо боғда ўзгача бир байрам — вилоят ҳокимининг қаро-рига асосан «Андижонни кўркам ва обод вилоят-га айлантирайлик» шiori остида туманлараро кўрик-танлов бўлаётган экан. Одамларнинг шай-фити баланд. Бу тадбирлар барча туман ва ша-ҳарларда бўлиб ўтгач, мустақиллигимизнинг 17 йиллиги арасида вилоят босқичи ўтказилади. Бир сўз билан айтганда, андижонликлар ҳар соҳада етакчи бўлишга интилмоқда.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбирлари Х.АРАББОВЕВ олган суратлар

Инсондаги эзгу хислатлар оилада шакллана-ди. Бунда онанинг ўрни бекиёс. Мумтоз устоз бўлиши аёлга ҳам баъзи ўринларда кўмак керак. Ҳўш, бундай бегараз ёрдамни қандай ташкил эттиш мумкин? Тойлоқликлар масала-нинг ана шу жиҳатига оқилона ечим топапти.

Бугуннинг аёли кўнгли-да не гап бор ўзи? Турмушнинг залворли юки гарданида бўлган бу зот нималарга эҳтиёж сезаяпти? Тан олиш керак, фар-зандлар тарбияси билан машғул она бугун оила-нинг том маънодаги усту-нига айланган. Бу ҳақиқат-ни бизга Тойлоқ туман ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар кенга-ши раиси Мўтабар Йўлдошева шеирона лутф билан жўнгина изоҳлаб берди. Даромад излаб юр-ган айрим эркаклар ўзлари билмаган ҳолда турмуш юкиннинг катта қисмини аёл гарданига юклаб қўйишмоқда. Бунга мисол оз эмас.

ришларни тезда англай олган аёлларга бақамти-мур. Уларнинг дунёқарши кечаги кундан фарқ қила-ди. Бугун куруқ сафсата билан ишлаб бўлмайти. Фойдали тақлифларгина асқотади.

Тойлоқда фидойи аёл-лар оз эмас. Шулардан бири Муслима Исмоило-ва. У ер олиб фермер хўжалигини ташкил этган. Фидойи инсон. Халқ учун олиб-югуришни, одамлар-га кўмаклашишни жойига қўяди. «Сочаки поён» ма-ҳалласида янги уй қура-нлар электр муаммоси-га дуч келганда, Муслима Исмоилова қўл қовушти-риб турмади. Кетадиган сарф-харажатни хомчўт қилди. Ўз ҳисобидан 4,5 млн. сўмга трансформат-ор, 1,5 млн. сўмга симе-ғоч харид қилиб, маҳалла-нинг мушкуллини осон қилди-қўяди.

Ишбилармонлар гуруҳи-ни шакллантириш, улар-нинг фаолият бошлашига кўмаклашиш туман хотин-қизлар кенгаши бурчиға

Жонкуярлик меваси



айланган. «Сабр» иқтисодий ривожланиш маркази билан ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ўз кичик бизне-сини бошлашни ният қил-ганларга марказнинг микро-ролиялаштириш мабла-

ғидан кўмак кўрсатиб кели-наётир. 18 нафар тойлоқ-лик аёл тикуччиликка ўқитилиб, 5 та тикув маши-наси билан таъминланган-лиги эса ҳар қанча таҳсин-га лойиқ. Тумандаги 2 та

маҳаллада Германия гранти асосида ёшлар маркази ташкил этилган, бир қатор маҳаллаларда ёш аёллар-нинг компьютер саводхонли-ги оширилган. Ҳаёт сирли. Ундаги

Нурулла ШАМСИЕВ, «Ishonch» мухбири

Олам ва Одам
Воқеалар
Тафсилотлар
Шарҳлар

Дунёдаги авиакомпаниялар ичи-да каттали-ги жиҳати-дан иккин-чи ўринда турувчи «United Airlines» ўз учувчи-ларининг ка-саба уюшмасини судга берди. Аризада айтилишича, касаба уюшмаси учувчилар-ни ўзларни касал кўрсатиб, меъёрдан ортиқча ишлашдан бош тортишга унда-ган, натижада «United Airlines»нинг иши орқага кетган. Касаба уюшмаси шу та-риқа компаниянинг ходимлар сонини қис-қартириш ва рейсларни камайитириш ре-жасига қарши чиқишга уринапти.
Биргина 2008 йил 19 — 27-июл кунла-ри ходимлар ўртасида «касаллар» кўпай-иб кетганлиги оқибатида «United Airlines» 329 та рейсни бекор қилган, бу эса 36 мингга яқин йўловчи манзилига вақтида етиб бормолади деганидир.

Спикернинг таклифи

Россия давлат думаси-га телеканаллар бадий фильмлари реклама та-наффусларисиз намойиш этишлари шартлиги ҳақидаги қонун лойиҳа-си киритилди. «Интер-факс» агентлигининг ха-бар беришича, бу таклиф Федерация кенгаши спи-кери Сергей Мироновга тегишлидир.

Ҳозир Россия телеканалларида вақти 15 дақиқага-ча бўлган кўрсатувлар ва диний дастурларни «юғурик сатрлар» ва рекламалар билан «безас» таққиланган. Агар Мироновнинг таклифи қабул қилинса, бадий фильмлар ушбу рўйхатга учинчи банд сифатида кири-тилади.

Маълумотларга кўра, ҳозир атиги 4 фоиз россия-ликлар телевиденида реклама бутунлай таққилан-шининг тарафдоридир. Томошбинларнинг асосий қисми реклама кўрсатувлар оралигида ёки спорт му-собақалари трансляциясидаги табиий таанаффуслар вақтида намойиш этилиши лозим, деган фикрда.

Фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг!

Россиянинг Санкт-Пете-бург шаҳрида фирибгарлар энгил машина ҳайдовчилари-га гўёки улар йўлда тезлик-ни оширганли-ги видеоаппа-ратда автома-тик равишда қайд қилинганлиги учун жа-рима тўлашларини сўраб почта орқали сохта қитанчиқлар жўнат бошлашди. Аммо «Коммерсант» газетаси маҳаллий автоинспекция вакилларининг хабарига асосланиб ёзишча, шаҳарда ҳозирча йўл ҳаракати қондалари бузилганини ав-томатик равишда қайд этувчи биронта ҳам аппарат ўрнатилмаган.

Бунинг устига, Санкт-Петербург ша-ҳри ва Леңинград вилояти ИХБД тарги-бот бoshқармаси бошлиги Татьяна Зиб-инанинг айтишича, ҳозир жарималар ил-гаригидек Сбербанк орқали тўланади. Фирибгарлар эса жаримани «Яндекс.Денги» тизими орқали тўлашни талаб қилишмоқда.

Эслатиб ўтамыз, ҳозир йўл ҳаракати қондаларини автоматик равишда қайд этувчи аппаратлар фақат Москва шаҳри ва вилоят, шунингдек, мамлакатнинг айрим минтақаларида ўрнатилган ҳолос.

«Сотка»нинг фойдаси

3 август куни Канаданинг Ванкувер ороли шимоли-да «Pacific Coastal Airlines» компаниясига қарашли эн-гил йўловчи самолёти ҳалокатга учради. Оқибат-да 5 киши ҳалок бўлган. Тирик қолган 2 кишини эса қутқарувчилар уларнинг SMS-хабарлари туфайли топишга муваффақ бўлиш-ган.

Уларнинг иккови ҳам касалхонага ётқизилган. Ҳалок бўлганларнинг номлари маълум қилинма-пти.

Канада қутқарув хизмати вакили Герри Пэшинг айтишича, қутқарувчилар фақат самолётнинг ра-диооперативини мўлжаллаб қидирув ишларини олиб боришганида у қулаб тушган жойни топишга бир неча кун кетар эди. Шу ерда йўловчиларнинг уяли телефони жуда қўл келган.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус касб-хунар таълими. Маркази директори ўрин-босари Анавр Юнусовга падади бузруқвор.

КАРИМЖОН отанинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик бил-диради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Қаш-қадарё вилоят кенгаши жамоаси вилоят кенгашининг етак-чи мутахассиси Рўзи Бурневга виллоди муҳтарамаси **ҲАБИБА** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



Beijing 2008

Дунё бир – орзу ягона!

XXIX ёзги Олимпия ўйинлари 8-24 август кунлари Хитой Халқ Республикасида бўлиб ўтади


Асосий спорт мусобақалари мамлакат пойтахти Пекин шаҳрида ташкил этилади. Бундан ташқари, Циндао шаҳрида парус спорти бўйича, Гонконгда от спорти, Шанхай, Тяньцзинь, Синхуангдао, Шеньян шаҳарларида футбол баҳслари голиблари аниқланади.

«Дунё бир, орзу ягона» («One World, One Dream») - бу навбатдаги Олимпиаданинг шиори. Мусобақа мезбонлари барча иштирокчиларни яхлитликда, бирлашган, ҳаммаслақ тарзда кўришни мақсад қилишган ва юқоридаги шиор ҳам шундан далolatдир.

Қалбларга тетиклик, ҳаяжон, раволик бахш этувчи «Пекин-2008» Олимпиадаси машъаласи 2008 йилнинг март ойида ўт олдирилган эди. Маёк Олимпиада бошлангунга қадар беш қитъадан ўтиб, 140 кўи давомда дунёни кезиши режалаштирилгани ҳам ўзиг хос янгиликдир. Машъала бу гал, шунингдек, тарихда илк бор дунёнинг энг баланд нуқтаси — Эверест чўкки сига кўтарилди. Таъкидлаш жоизки, машъалани ман зилга етказиш эстафетасида 15 минг нафар киши иш тирок эди.

Энди «Пекин-2008» Олимпиадаси эмблемасига на зар ташласак, унда қизил майдонда югураётган инсои тасвирланган. Шунингдек, Олимпиада тимсоли ва анъ анавий хитой иероглифларининг уйғунлашувини ҳал кўриш мумкин.

Пастда инглизча «Пекин-2008» ёзуви. Бу ёзув хитой ча ҳам ифодаланган. Энг куйида эса бутун дунёга та ниқли бўлган беш қитъани бирлаштирувчи бешта халқ тасвири туширилган.



Кумуш бурғулар галабани эълон қилганларида улар фақат голибни хоҳсунага чақирибгина қолмай, спортни: ақл ва кучни, мардлик ва ирода-ни, садоқат, жасо-рат ва шонни ша-рафлайдилар. Улар ўз қалбини спортга бағишлаган, ўз ишлари, ўз ибрати билан ҳаётини жасо-ратга ундайдиган инсонларни шараф-лайдилар. Пьер де КУБЕРТИН

Улар Пекинга йўл олишди



Мазкур Олимпиадада 17 нафар касаба уюшма спортчиси Ватанимиз шарафини ҳимоя этишди

Олимпиада иштирокчилари ҳақида ҳикоялар

Наманганда дув-дув гап: — Тўлашбой Пекинга XXIX ёзги олимпиада ўйинларида иштирок этиш учун жўнаб кетибди. Айниқса, Наманган давлат университетидakilарнинг оғизлари қулғиди. — Тўлашбой Дониёров ўзимизда таълим олган, —

Тўлашбой Дониёров боксга болалиқдан меҳр кўйди. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ аввал синфларо, кейинроқ мактабларо бахсларда ишти-рок этиб юрди, сўнгра ту-манларо ва вилоятларо бахсларда қатнашди. Дарҳақиқат, қаҳрамони-

лик кўраётган Тўлашбой билан қиска мулоқот чоғи-миздаёқ унинг бокс, умуман спорт олами билан қанчалик чуқур боғланиб кетганлиги, бу оламнинг ўзига хос жиҳатлари бўй-ича чуқур билим ва салоҳи-ятга эга эканлиги, жаҳон-нинг турли бурчақларида қатор мамлакатларида ўтказилган беллашувларда муваффақиятли иштирок этди. Куролли кучлар ва халқаро ҳамда Ўзбекистон чемпионатлари голиби бўлди. 2004 йили Афина олимпиадасида қатнашди. 2007 йилда Чикагода бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этди. Қозғистон пойтахти Остона шаҳрида Олимпиада ўйинларига йўланма берувчи халқаро турнирда 2-урини қўлга киритди. Спорт соҳасида эришган ютуқлари ва жо-нажон Ўзбекистонимиз шухратини дунёга тани-тишдаги хизматлари учун «Ўзбекистон ифтихори» ор-денига сазовор бўлди.

— Сафар олдидан мени ва устозим Лочин Кўчқо-ровни вилоятимиз ҳокими Икромхон Нажмидинов қабул қилди, — дейди сўх-батимиз чоғида Тўлашбой Дониёров. — Ҳокимимиз менга олимпиада белла-шувларида улкан муваффа-қиятлар тилади ва барча қулайликларга эга бўлган янги квартира қалитини топширди. Мамлакатимизда спортни ривожлантиришга берилётган қатта эътибор-га жавобан бор маҳоратим-ни ишга солиб, Олимпиа-да учрашувларида зафар қунишга ҳаракат қиламан. Финляндия, Италия, Россия ва бошқа қатор мамлакат-лар боксчилари билан бир-галикда ўтказган ҳозирли-гимиз, ўйлаيمانки, ўз на-тижасини беради.

Устози Лочин Кўчқоров раҳбарлигида дунёнинг

Темир мушт соҳибби



дейишади фахрланиб улар — Биринчи босқич-да ўқиб юрган чоғлари-даёқ қанчадан-қанча му-собақаларда иштирок этиб темир мушт соҳибби сифа-тида танилган. Биз унинг ўқиб даврида бирон мусо-бақада енгилиб қайтгани-ни эшитмаганмиз.

миз талабалик йилларида танлаган касбини лухта эгаллаш билан бир қатор-да спорт билан шуғулла-нишни бирон кун қанда қилмади. Бокс билан боғ-лиқ янгиликлардан хабар-дор бўлиб борди. Биз Пе-кинда ўтказиладиган ёзги Олимпиадага қизгин ҳозир-

яшовчи ўнлаб бокс уста-ларининг ўзига хос усулла-ридан хабардор эканлиги-га ишонч ҳосил қилдик. Зеро, Тўлашбой Дониёров бу соҳа юлдузларидан бири сифатида танилиб ул-гурди.



Хитой спорт ареналарида ҳамюртларимизга омад ёр бўлсин!

Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ, «Ishonch» муҳбири

Бокс
Аббос Атоев, тугилган санаси - 07.06.1986. Бокс бўйича жаҳон чемпионати, Чикаго, 2007, олтин медал (81 кг).
Тўлашбой Дониёров, тугилган санаси - 30.03.1981. Ҳарбий хизматчилар уртасида халқаро турнир, Украина, 2007, олтин медал (51 кг).
Дилшод Маҳмулов, тугилган санаси - 30.11.1982. 15-Осие уйинлари, Доха, 2006, бронза медал (69 кг).
Элшод Расулов, тугилган санаси - 07.03.1986. 15-Осие уйинлари, Доха, 2006, олтин медал (75 кг).
Баҳодиржон Султонов, тугилган санаси - 15.01.1985. Олимпиада ўйинлари, Афина, 2004, бронза медал (57 кг).
Рафиқжон Султонов, тугилган санаси - 19.02.1988. Ўзбекистон чемпионати, 2006, олтин медал (48 кг).
Хуршид Тожибоев, тугилган санаси - 13.11.1989. Ўзбекистон чемпионати, олтин медал (54 кг).

Дзюдо
Уткир Курбонов, тугилган санаси - 03.02.1983. Осие чемпионати, Корея, 2008, бронза медал (100 кг).
Шокир Мунинов, тугилган санаси - 17.02.1983. Ўзбекистон чемпионати, 2008, олтин медал (73 кг).
Хуршид Набиев, тугилган санаси - 11.08.1985. Осие чемпионати, Корея 2008, кумуш медал (90 кг).
Ришод Собиров, тугилган санаси - 11.09.1986. Ўзбекистон чемпионати, 2008, олтин медал (60 кг).
Абдулла Тангриев, тугилган санаси - 28.03.1981. Осие чемпионати, Корея, 2008, олтин медал (+100 кг).
Мирали Шарипов, тугилган санаси - 30.10.1987. Ўзбекистон чемпионати, 2008, олтин медал (66 кг).
Зиннур Жўраева, тугилган санаси - 26.09.1985. Ўзбекистон чемпионати 2007/2008, олтин медал (52 кг).
Мария Шекерова, тугилган санаси - 09.12.1988. Осие чемпионати, Корея, 2008, олтин медал (+78 кг).

Таэквондо (WTF)
Евгения Каримова, тугилган санаси - 12.06.1989. 15-Осие уйинлари, Доха, 2006, кумуш медал (+68 кг).
Дмитрий Ким, тугилган санаси - 07.10.1989. Жаҳон чемпионати, Корея, 2008, бронза медал (68 кг).
Акмал Эргашев, тугилган санаси - 16.12.1982. Осие чемпионати, Хитой, 2008, олтин медал (+81 кг).

Эркин кураш
Қурбон Қурбонов, тугилган санаси - 21.03.1985. Жаҳон чемпионати, Боку, бронза медал (96 кг).
Дилшод Мансуров, тугилган санаси - 12.12.1983. 15-Осие уйинлари, Доха, 2006, олтин медал (55 кг).
Заурбек Соҳиев, тугилган санаси - 01.06.1986. 15-Осие уйинлари, Доха, 2006, кумуш медал (84 кг).
Артур Таймазов, тугилган санаси - 20.01.1979. Олимпиада ўйинлари, Афина, 2004, олтин медал (120 кг).
Соҳлан Тигиев, тугилган санаси - 12.10.1983. 15-Осие уйинлари, Доха, 2006, бронза медал (74 кг).

Юнон-рум кураши
Дилшод Орипов, тугилган санаси - 20.05.1977. 15-Осие уйинлари, Доха, 2006, бронза медал (60 кг).
Давид Солдадзе, тугилган санаси - 15.02.1978. Жаҳон чемпионати, Боку, 2008, бронза медал (120 кг).
Элдор Ҳафизов, тугилган санаси - 30.01.1988. Осие чемпионати, 2007, олтин медал (55 кг).

Сузиш
Данил Бугаков, тугилган санаси 29.01.1988. Ўзбекистон чемпионати, 2008; олтин медал (брасс 100 м, комплекс 200 м).
Мария Бугакова, тугилган санаси - 06.07.1985. (эркин сузиш, 50 м).
Ольга Гнедовская, тугилган санаси - 15.08.1989. Ўзбекистон чемпионати-2008; олтин медал (брасс 100 м).
Иван Демьяненко, тугилган санаси - 23.04.1989. Очқик чемпионат - Минск, 2008; ол-

тин медал (брасс 100 м).
Иброҳим Назаров, тугилган санаси - 17.04.1988. Ўзбекистон кубоги - 2008, кумуш медал (эркин сузиш 200 м).
Сергей Паньков, тугилган санаси - 0.12.1988. Ўзбекистон чемпионати-2008, олтин медал (брасс 200 м).
Петр Ромашкин, тугилган санаси - 05.07.1989. Ўзбекистон кубоги-2008, олтин медал (эркин сузиш 100 м).
Ирина Шлемова, тугилган санаси - 25.03.1984. Ўзбекистон кубоги-2008, олтин медал (эркин сузиш 100 м).
Тимур Эргашев, тугилган санаси - 04.07.1984. (эркин сузиш 400 м).

Енгил атлетика
Леонид Андреев, тугилган санаси - 06.10.1983. Ўзбекистон очқ кубоги - 2008, олтин медал (дангарчуп билан сакраш).
Павел Андреев, тугилган санаси - 24.11.1978. Ўзбекистон очқ кубоги-2008, олтин медал (унқураш).
Надия Дусанова, тугилган санаси - 17.11.1987. Ўзбекистон чемпионати - 2008, олтин медал (баландликка сакраш).
Анастасия Журавлева, тугилган санаси - 09.10.1981. 15-Осие уйинлари, Доха-2006, кумуш медал (уч қатлаб сакраш).
Олег Журавлев, тугилган санаси - 17.05.1982. Халқаро мусобақалар, Бишкек, 2008, олтин медал (200 м).
Олег Норматов, тугилган санаси - 04.09.1981. Ўзбекистон очқ кубоги, 2008, олтин медал (110 м.га тузиқлар оша югуриш).
Светлана Радзивил, тугилган санаси - 14.01.1987. Ўзбекистон очқ кубоги-2008, олтин медал (баландликка сакраш).
Анастасия Свечникова, тугилган санаси - 20.09.1992. Ешлар уртасида Осие чемпионати, Жаркарта, 2008, олтин медал, (найза улоқтириш).
Виталий Смирнов, тугилган санаси - 25.10.1978. 15-ёзги Осие уйинлари, Доха-2006, кумуш медал, (унқураш).
Юлия Тарасова, тугилган санаси - 13.03.1986. Ўзбекистон очқ кубоги - 2008, олтин медал (еттикураш).
Гузал Хуббиева, тугилган санаси - 02.05.1976. Халқаро мусобақа, Қозғистон, 2008, олтин медал, (100, 200 м.га югуриш).
Бобур Шокиржонов, тугилган санаси - 05.12.1990. Ешлар уртасида Осие чемпионати, олтин медал (найза улоқтириш).

Теннис
Оқғул Омонмуродова, тугилган санаси - 23.06.1984. Жаҳон рейтингда 54-урин.

Академик эшак эшиш
Руслан Наурузалиев, тугилган санаси - 21.12.1984. 15-Осие уйинлари, Доха-2006, олтин медал (ақса ҳолда).

Байларқа ва каноэда эшак эшиш
Вадим Меньков, тугилган санаси - 12.07.1987. 15-Осие уйинлари, Доха-2006, олтин медал (С-1, 1000 м, 500 м).

Уқ отиш
Дилшод Мухторов, тугилган санаси - 04.01.1975. Жаҳон чемпионати, Италия - 2008, кумуш медал (туплонча).
Елена Кузнецова, тугилган санаси - 01.08.1982. Осие чемпионати, Қувайт, 2007, олтин медал (миттик).

Спорт гимнастикаси
Антон Фокин, тугилган санаси - 13.11.1982. Жаҳон кубоги босқичи, Япония, 2008, кумуш медал (индивидуал).
Луиза Галиуллина, тугилган санаси - 23.06.1992. Ўзбекистон чемпионати, 2007/2008, олтин медал (индивидуал).

Трамполин
Екатерина Хилко, тугилган санаси - 25.03.1982. Жаҳон кубоги босқичи, 4-урин (индивидуал).

Велоспорт
Сергей Лагутин, тугилган санаси - 14.01.1981. Тур де Корея-Япония, 2008, олтин медал (гуррули пойга).

Оғир атлетика
Шерзоджон Юсупов, тугилган санаси - 10.10.1982. Осие кубоги, Сурия, 2007, кумуш медал (77 кг).
Мансурбек Чашемов, тугилган санаси - 22.06.1983. Осие кубоги, Сурия, 2007, олтин медал (85 кг).

Муассис:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федератсияси

Бosh муharrir:
Абдухалиқ Абдуразоқов

Тahrir haг'ati:
Айла ДОЛЖЕНКОВА,
Анвар ЮНУСОВ,
Довуд МАДИЕВ
(Бosh муharrir o'rinbosari),
Јahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Ma'mura ADILOVA,
Mirzohid SODIQOV,
Normamat AHAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Og'sulov NAFAKOVA,
Pirimqul QODIROV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Shamsi ESONOBOYEV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari haqoti
256-87-83
Muvoq va xalqaro haqot
256-87-73
Iqtisodiy-iqtisodiy sigosat
256-87-74
Milliy-ma naviy qadriyatlar va sport
256-82-78
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash
256-85-43
Reklama va e'lonlar
256-03-90

Manzilimiz:
100165,
Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi:
133; 134

Naybatchi muharrir:
G. Yusupov
Naybatchi:
A. Abdiyev
Musababih:
N.Yo'ldoshev

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terilidi va sahifalandi.
Sahifalovchilar:
H.Abdullajilov va Y.Mixaylovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etilidi.
Korxona manzili:
«Buyuk Turo» ko'chasi, 41-uy.

Ўzbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta offset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari
Bosishga topshirish vaqti - 21.00.
Topshirildi - 22.30

Buyurtma T — 714
11364 nusxada bosildi
1 2 3 4 5 7 8

Газетанинг навбатдаги сони 9 август, шанба кун чикади.